Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 23 АВГУСТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 168 – 169 (13.231–13.232)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 149 775 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 292 940 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 292 940 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 179 755 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 августдаги ПФ–4751-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2016 йилнинг 1 октябридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 22 август

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
25
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида анъанавий тарзда ўтказилаётган "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остидаги маънавий-маърифий ва маданий тадбир юртдошларимизга байрамона кайфият бахш этмоқда.



ДИЛЛАРГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАБ





Байрам тадбири Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, Шайхонтоҳур, Яккасарой, Яшнобод туманлари ҳокимликлари, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ташкил этилди. Тадбирда маҳалла, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари, касаба уюшмалари соҳаси мутахассислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ўқитувчилар, иқтидорли ёшлар, намунали оилалар, нуронийлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид ва бошқалар амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда тинчлик ва ижтимоий барқарорликни, турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ҳаётимиз фаровонлигининг ортишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Тадбир аввалида телемониторда шаҳримиз ва туманларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида лавҳалар кўрсатилди. Ёшлар ўртасида шахмат-шашка бўйича мусобақалар ташкил қилинди.

Ташкил этилган кўргазмалар, ўқувчиларнинг ўз қўллари билан яратилган ижодий ишлар йиғилганларнинг эътиборини тортди. Таълим муассасаларининг иқтидорли ўқувчиларининг қўл меҳнатлари ва коллеж ўқувчилари томонидан тайёрланган ижодий ишлар тадбирда алоҳида ажралиб турди.

— Мактабимизда ташкил этилган "Моҳир қўллар" тўгарагига барча ўқувчилар жалб қилинган, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 102-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилдора Алибоева. — Мазкур тадбирда айнан иқтидорли ўқувчиларимизнинг тайёрлаган ишларининг кўргазмасини ташкил этдик. 1991 йилда туғилган фарзандимга қараб туриб, шундай обод диёрнинг бахтли вакили эканлигини ҳис этаман. Мустақилликнинг тенгдоши бўлган қизим аввал лицейда, сўнг университетда таҳсил олди. Педагоглик соҳасини танлаганидан беҳад хурсандман.

Шу куни боғда туманларда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар маҳсулотлари, миллий ҳунармандлик, болалар бадиий ижодиётига оид кўргазмалар ташкил этилди.

(Давоми 8-бетда)

"ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР" КИТОБИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЖИЛДИ НАШРДАН ЧИҚДИ

"Маънавият" нашриёти томонидан "Президентга мактублар" китобининг навбатдаги – тўртинчи жилди чоп этилди.



Ушбу китобдан 2013 – 2016 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбоблари томонидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган.

Мазкур хатларни ўқир экансиз, турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган, ёши, касбу кори, миллати ва дунёқарашига кўра бир-биридан фарқ қиладиган мактуб эгаларининг ўй-фикрлари, орзу-интилишлари нақадар холис ва самимий экани, уларни умумий бир хусусият – она Ватанимизга, халқимизга, Президентимизга меҳр ва ишонч бирлаштириб турганини яққол ҳис қиласиз.

Ватанимизнинг турли ҳудудларидан Юртбошимиз номига юборилган хатлар Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт манзарасини, барча соҳа ва тармоқларда эришаётган ютуқ ва марраларимизнинг миқёси ва кўлами, уларнинг юртдошларимиз ҳаётига кўрсатаётган ижобий таъсирини бамисоли ёрқин кўзгудек намоён этиши билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган замоннинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, одамларимиз аввало ўзига, оиласига бевосита дахлдор бўлган воқеа-ҳодисалардан, ўзгаришлардан тўғри хулоса чиқариб, бу жараёнда ўзининг ўрни ва таъсири қандай эканини тушуниб, англаб, ҳаётга, келажакка катта ишонч билан яшамоқда. Айни мана шу хусусият барча мактубларнинг бош ғояси, бош мавзуси, десак, хато бўлмайди.

Ушбу хатларнинг асосий қисмида кўрсатилган меҳр-оқибат ва яхшилик, эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимизга, халқимизга, Президентимизга самимий миннатдорлик туйғулари ифода этилган. Бу бежиз эмас. Нега деганда, халқимиз доимо яхшиликка интилиб, яхшиликни қадрлаб яшайди.

Мухтасар айтганда, бу хатлар юртдошларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури ўзгариб, уларнинг гражданлик позицияси тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Бу айни пайтда халқимиз ижтимоий кайфиятининг муҳим устувор кўрсаткичидир.

Мазкур китобда жам бўлган хатларда оддий мактаб ўқувчисидан тортиб кўпни кўрган тажрибали инсонларгача, ишчи ва муҳандислар, деҳқон ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлардан тортиб шифокор, муаллим ва мураббийларгача, илмий-ижодий соҳа вакилларидан тортиб ҳарбий хизматчиларгача, қисқача айтганда, бутун халқимизнинг овози баралла эшитилиб туради, десак, муболаға бўлмайди.

Мактуб муаллифлари орасида хорижий давлатларнинг фуқаролари, атоқли давлат ва сиёсат арбоблари ҳам борлиги Президентимизнинг серқирра фаолияти халқаро миқёсда, чет элларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани – мамлакатимиз қўлга киритаётган улкан марралар жаҳонда тан олинаётгани ва кенг эътироф этилаётганининг яна бир амалий ифодасидир.

Бундай хатларда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, Ўзбекистон билан чет давлатлар ҳамкорлигининг турли қирралари, халқимизнинг қадимий ва бой тарихи, унинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси, Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги долзарб масалалар ечими бўйича Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилаётган амалий таклиф ва хулосаларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Ўйлаймизки, бу тўплам Ўзбекистон Президентининг мустақил тараққиётимизнинг ўта мураккаб ва юксак масъулиятли давридаги самарали фаолияти, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида халқимиз қўлга киритаётган тарихий ютуқ ва марралар, фуқароларимизнинг жамият ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланиш жараёнларига дахлдорлик ҳисси ва бурчи, шу билан бирга, давлатимиз раҳбари томонидан халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган самимий ва амалий мулоқотлар ҳақида китобхонларимиз тасаввурларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

ЎзА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог ходимларининг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Анжуманда янги ўқув йилида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичида илғор педагогик технологиялар ва замонавий ахборот технологияларини таълим жараёнига кенг қўллаш орқали таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш, битирувчиларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаш юзасидан фикр алмашилди, таълим муассасалари раҳбар ва педагоглари, ишлаб чиқариш усталари олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

● Жиззахда мустақиллик байрами арафасида "Жиззах китоб олами" маънавий-маърифий мажмуаси иш бошлади. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ташаббуси билан барпо этилган мажмуада юртимиз нашриётларида чоп этилган 20 минг нусхадан зиёд турли китоблар сотилмоқда. Алоҳида болалар бўлими, мавзулар бўйича пештахталар, кўргазмалар ташкил этилгани харидорларга манзур бўлмоқда.

● Фарғонада "Ўзбекистон инфратузилмаси – Фарғона водийси 2016" халқаро кўргазмаси иш бошлади. Кўргазмада халқаро компаниялар ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари тадбиркорларига ўз хизмат ва технологияларини тақдим этаётир.

● Андижонда ўтказилган "Футболимиз келажаги" мусобақасининг ҳудудий финал босқичида 17 жамоа уч ёш тоифасида ғолиблик учун баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Франция пойтахти Париж шаҳри маъмурияти атроф-муҳитни соғломлаштириш ва кўчаларда автомобиллар сонини камайтириш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Жумладан, яқинда Франция пойтахти маъмурияти парижликларга бир ҳафтага автомобиллардан фойдаланмасликни таклиф қилди. Париждаги экологик тажриба 19-25 сентябрь кунлари ўтказилади.

● Сингапурдаги Наньян технология университети олимлари бетонни янада мустаҳкамлашни ўйлаб топишди ва уни эгилувчан қилишга муваффақ бўлишди. Бунинг учун бетон таркибига янги қўшимча — полимер микротолалари қўшилди. Айни пайтда ушбу тажриба лабораторияда синовдан ўтказилди. Кейинчалик бу материалдан янги объектлар қурилишида фойдаланиш режалаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, янги мустаҳкам маҳсулот уч йил давомида синовдан ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси 2016 йил 24 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2016 йил 23 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Ҳозирги даврда жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг асосий йўналишига айланди.

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантиришдек долзарб масалаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 июнда "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, унда: "Биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда". Дарҳақиқат, ўтган қисқа муддат ичида Юртбошимиз раҳнамолигида "ўзбек модели" асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Изчил ислоҳотларнинг, босқичма-босқич тараққиёт йўлининг тўғри ва ҳаётий эканлигини юртимизнинг бугунги қиёфаси, одамларнинг муносиб турмуш тарзида ҳам яққол кўриш мумкин. Албатта буларнинг ҳар бири, айниқса, дунёнинг мафкуравий манзараси мураккаблашиб бораётган, айрим минтақалар сурункали низолар ўчоғи ва қонли тўқнашувлар гирдобида қолган бир даврда жуда аҳамиятлидир. Йигирма беш йил мобайнида республикада амалга оширилган туб ислоҳотларнинг моҳияти, мамлакатимизнинг халқаро майдонда нуфузи юксалиб бораётгани, Ўзбекистонда қандай муҳим ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилганининг аҳамиятини ўрганиш ва халқимизнинг кенг қатламларига чуқурроқ очиб бериш ниҳоятда долзарб вазифадир. Президент Қарорида мазкур шонли санани ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар чуқур тарихий маънога эга. Ушбу байрамни "Гўзал ва бетакрорсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган шиор остида ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Истиқлол даврининг яратувчилик, бунёдкорлик жараёни аждодларимизнинг эзгу, ижобий тажрибаларини умумлаштириб, янги асосларда тараққий эттирди.

Жамиятимиз олдига қўйилган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан холисона баҳо беришимиз табиийдир. Зеро, Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан мустақиллик йилларида юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида сезиларли юксалишлар рўй берганини бутун дунё эътироф этмоқда. Халқимиз томонидан истиқлол йилларида босиб ўтилган тарихий йўл, эришилган улкан ютуқ ва марралар, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳар томонлама билиш, уни замондош онгига сингдириш ва фуқароларда мустақил ҳаётда эришилган натижаларни ҳис қилиб яшаш тафаккурини шакллантириш бугунги тобора глобаллашиб бораётган жараёнларга тўла даврда катта аҳамиятга эга.

Бугун биз тарихий бир даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, аввалambор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз.

Ҳозирги кунда ҳар бир фуқаро Ўзбекистонда қандай жамият барпо этилаётганлигига катта ишонч ва орзу-умидлар билан қарамоқда. Ватанимиз ҳар томонлама тараққий этиб ва обод бўлиб ҳамда инсонлар ҳаёти яхшиланиб бормоқда. Бу нимадан дарак беради? Албатта тинчликнинг юртимизда таъминланиб бораётганлигидандир. Истиқлолни асраб-авайлаш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизлигимизни сақлаш, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон раҳбариятининг доимий диққат марказидадир.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг жамиятнинг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада мамлакат тараққиёт режалари тузилар экан, ривожланишнинг фақат назарий жиҳатига эмас, балки унинг амалиётда тўлиқ акс этишига ҳам алоҳида эътибор берилди. Энг қувонарли томони – кишиларимизнинг онги ўзгарди.

Йиллар ўтган сайин юртимиз гуллаб-яшнамоқда: ўзига хос, ўзига мос шаҳарсозлик ва меъморчилик асносида янги қиёфа касб этмоқда, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар кенг кўламда бунёд этилмоқда. Бу турар жойлар ободликнинг чинакам тимсоли сифатида қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини юксалтиришга, оилаларнинг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилиши муқаррар.

Мустақиллик шароитида халқимиз, айниқса, ёшларимиз янгича мафкура билан қуролланиб, боболаримизнинг бой меросларини бўлмиш анъаналар, урф-одатлар асосида яшай бошлади. Улар онги ва қалбини бунёдкор ғоялар, келажакка, айниқса, ўзларига бўлган ишонч эгалламоқда. Ёшларимизда Ватанга муҳаббат билан миллий ғурур шаклланмоқда.

Мустақилликнинг ўтган 25 йили ичида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксак тараққиётга эришди. Жаҳонда улкан синов ва машаққатлар, оғир можаро ва муаммолар, глобал молиявий-иқтисодий инқирозлар давом этаётгани, хомашё ресурсларига бўлган талабнинг кескин пасайиб бораётганига қарамасдан, Ўзбекистонда иқтисодиёт изчил ва барқарор ўсиб, тобора ривожланиб бормоқда. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари шундай дейди: "Дунёдаги саноқли давлатлар қаторида Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёт қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ўсди.

Кейинги 11 йилда, жумладан, 2015 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари барқарор равишда 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда, макроиқтисодий кўрсаткичлар мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг барқарор равишда профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг ўсиши таъминланмоқда".

Олдимизда эса, ана шу эришилган марраларни сақлаган ҳолда, уни келгусида янада янги поғоналарга олиб чиқишдек улкан вазифалар турибди.

Бугунги кунда тадбиркорлик, уддабуронлик, ишбилармонлик хусусида фикр юритилар экан, бу сўзлар ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган олий фазилатлардан эканлигини чуқур англаймиз.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизнинг кўпукладли иқтисодиёти таркибида давлат мулки, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглиги эътироф этилди. Асосий Қомусимизда ҳам хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Мамлакатда кенг миқёсда ислоҳотлар ўтказилаётган бир пайтда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, ўрни ва таъсири билан катта аҳамиятга эга эканлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Мустақилликнинг йигирма беш йили ичида эришилган ютуқлар ва тараққиёт даражамиздан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада кенг ривожлантириш иқтисодиётимизни тараққий эттиришдаги муҳим омил эканлигини англаш мумкин. Бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб масалалардан бири аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлашдан иборатдир. Бу эса ўз навбатида, мазкур соҳанинг тараққиёти, қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш ва уни янада ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Истиқлол йилларида соҳада олиб борилган чуқур ислоҳотлар туфайли бугунги кунда тадбиркорлар ялпи ички маҳсулотнинг 56,7 фоизидан ортиғини ишлаб чиқармоқда. Мазкур соҳада аҳолининг бандлиги 77,9 фоизни ташкил этмоқда. Давлатимиз томонидан тадбиркорликка жуда кенг қўламда имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг улкан имкониятлари ва афзалликларидан кенг фойдаланиш борасида ҳали олдинда қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп. Иқтисодиётда банд аҳолининг мулкчилик шакллари ва иқтисодиёт секторлари бўйича тақсимланишини ўрганиш республикада иқтисодиётнинг нодавлат секторида банд бўлганлар сони ҳам, улуши ҳам кўпайиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Хусусий секторнинг ривожланиши ва кенгайиши истиқболда ҳам аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда асосий омил бўлиб қолади.

Муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам тан олинмоқда. Жумладан, Буюк Британиянинг нуфузли "Экономист" журнали ўтказган сўровга кўра, ўтган йили пойтахтимиз ободлиги ва қулайлиги бўйича дунёнинг 140 та шаҳри ичида 58-ўринни эгаллади ва жаҳон классификациясида яшаш учун энг қулай шароитларга эга шаҳарлар сафидан ўрин олди.

МДҲдаги шаҳарлар ичида фақат Самарқанд Американинг "The Huffington Post" нашрида эълон қилинган "албатта бориб кўриш лозим бўлган дунёнинг 50 шаҳри" рўйхатига киритилди. Айни пайтнинг ўзида Американинг "Gallup" тадқиқот компанияси тузган "яхши кайфият индекси" бўйича Ватанимиз 136 мамлакат орасида 29-ўринни эгаллади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, ёшларимиз қалби ва онгига миллий ғоянинг чуқур сингдирилаётганлиги билан узвий боғлиқдир. Ана шуларни назарда тутиб, Президент Ислом Каримов: "Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади", деб уқтирди. Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил, мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Мустақиллик йилларида халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча ютуқлар пойдеворига, куч-қудрат манбаига айланганлигини, айниқса юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқларнинг негизида инсон омили ҳал қилувчи роль ўйнаётганини кузатиш мумкин. Маънавий мерос, миллий қадриятларнинг тикланиши, ёшларни ҳар томонлама етук, маънан юксак, комил инсон қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Амалий ишлар доирасида ёш авлодни ҳаётга ҳуқуқий билимларга эга, қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича амалга ошираётган барча ишларнинг энг муҳим натижаси аввало, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш ёшларимизнинг ислоҳот ва демократлаштириш борасидаги сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганида намоён бўлмоқда. Халқимиз онги ва тафаккурида фидойилик ва Ватанга садоқат, порлоқ келажакка тўла ишонч туйғулари янада мустаҳкамланиб, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деган ишонч тобора қатъийлашмоқда.

Ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилгани, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар очиб бергани учун мустақилликнинг қадрига етиш, уни авайлаб-асраш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини англатиш O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий эътиборида. Ўтказилаётган ҳар бир тадбирнинг мазмун-моҳияти ҳам шунга мутаносиб равишда олиб борилаётганлиги бунинг яққол далилидир. Дарҳақиқат, гўзал ва бетакрор, ўхшаши йўқ, ягона, муқаддас Ватанимиз – Ўзбекистон билан, бу ердаги ҳар бир ўзгариш, ютуқ ва муваффақиятлар билан партиямизнинг барча аъзолари ҳақли равишда фахрланади, ғурур ва ифтихор туйғусини ҳис этади.

Мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш, ўтган давр мобайнида она юртимиз, барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора очилиб, гўзал бўлиб бораётганини, шу заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга ошираётган кенг кўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини халқимиз онгу шуурига етказиш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун партиямизнинг ҳар бир фаол аъзоси масъулдир.

Тўрабек НАЗАРОВ,
тадбиркор, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси

ВЬЕТНАМ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида мамлакатимизга ташриф буюрган Вьетнам Миллий мажлисининг Фан, технологиялар ва атроф-муҳит масалалари қўмитасининг раиси Фан Суан Зунг раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасида савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Икки мамлакат ўртасида парламентлараро алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини ўрганишга қаратилган учрашувлар ўтказилмоқда ҳамда парламент делегациялари ташрифлари амалга оширилмоқда.

Учрашувда томонлар парламентлараро алоқаларнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларини, уни янада ривожлантириш бўйича тадбирлар ташкил этиш, қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашиш масалаларини муҳокама қилдилар.

– Мен 1990-йиллар бошида Ўзбекистонда таълим олганман, – деди Фан Суан Зунг. – Ўтган йиллар мобайнида мамлакатингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Барча соҳалардаги ривожланиш, улкан бунёдкорлик ишлари яққол кўзга ташланиб турибди. Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Парламентаризм соҳасида бир-биримиздан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп. Ушбу учрашув бу борадаги алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан табриклайман.

Вьетнам делегацияси аъзолари мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, унинг қўмиталари ва фракциялари фаолияти билан таништирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлган учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, фан, таълим, маданият ва туризм соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашувини фаоллаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Вьетнам парламенти делегацияси Ўзбекистон билан парламентаризм, таълим, туризм ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

(ЎзА)

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан мамлакатимизда саноат корхоналарини технологик модернизациялаш ҳолати ва истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида саноат тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишга қаратилган изчил ислоҳотлар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда саноатни чуқур таркибий ўзгартириш жараёнида ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган Янгидан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган ишлаб чиқариш қувватлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини, техника ва технологияларни эксперт баҳолаш агентлиги бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Агентлик янги ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш, ишлаб турганларини реконструкция қилиш ва модернизациялашда замонавий технологияларни жорий этиш юзасидан энг мақбул ечимлар қўлланилишини таъминлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларининг дастлабки ва якуний техник-иқтисодий асосланиши ҳамда ҳисоб-китобларини тизимли, пухта экспертизадан ўтказиш билан шуғулланади. Мамлакатимизга истиқболсиз, маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналар ва технологиялар олиб келинишининг олдини олган ҳолда замонавий талабларга жавоб берадиган илғор технологиялар ва асбоб-ускуналар бозорини чуқур таҳлил қилиш вазифаларини бажаради.

Тадбирда ҳудудларда саноат салоҳиятини ошириш ва мавжуд захира ҳамда имкониятлардан самарали фойдаланиш йўллари, солиқ имтиёзлари ва преференцияларини қўллаш имкониятлари, тадбиркорлик субъектларининг хусусий мулкини ҳимоя қилиш борасидаги меъёрий ҳужжатлар каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Б.БОЗОРОВ

Одатда спортдаги натижалар ҳақида сўз кетса, қайд этилган кўрсаткичлару қўлга киритилган медаллар тилга олинади. Тўғри, булар муҳим. Лекин спортнинг кўрсаткичлар билан ўлчаб бўлмайдиган, турли жадвалларда қайд қилинмайдиган жиҳатлари ҳам бор.

Ифтихор

МАРРАНИ БАЛАНД ОЛГАН ЁШЛАР

Булар – қувонч, ташвиш, ҳаяжон, миллий ғурур, ҳамжиҳатлик, ватанпарварлик.

Бразилия дунёнинг нариги чеккасида. Ярим тун бўлишига қарамай, ҳаммамиз спортчиларимизнинг чиқишларини ҳаяжон билан кузатиб бордик. Уларнинг кечинмаларини, нафас олишини, юрак уришларини ҳис этиб турдик. Уларга қўшилиб йиғладик, кулдик, қувондик.

Ишда, кўчада, дастурхон атрофида суҳбатларнинг бош мавзуси Олимпиада бўлди. Интернетдаги ижтимоий тармоқларда спортчиларимизни шарафловчи суратлар, ҳаволалар тарқалди. Медаль қўлга киритилганда, спортга алоқаси бўлса-бўлмаса, ҳамма бир-бирини табриклади.

Бу нимадан далолат? Халқимизнинг бирлигидан, ҳамжиҳатлигидан. Миллий ғурур, Ватан ҳисси, дахлдорлик туйғуси юқорилигидан.

Одамларимиз ватанпарварман деб кўкрагига урмайди, фуқаролик позицияси ҳақида баландпарвоз гапларни гапиримайди. Лекин ўзбек ўғлони, Ўзбекистон фарзанди майдонга чиққанда юрагини ҳовучлаб туради. Муваффақиятга эришганида осмонга сапчийди. Мадҳиямиз янграганида кўзларида қувонч ёшлари қалқийди.

Нима учун? Чунки ҳаммамиз Ўзбекистонни яхши кўрамиз. Унинг ривожланишини, ҳаммадан зўр бўлишини истаймиз. Юртдошларимизнинг ҳар бир ютуғини ўзимизникидек қабул қиламиз.

Президентимиз спортни яхши кўради, яхши тушунади, спортчиларни қадрлайди. Шу боис Ўзбекистон шошма-шошарлик қилмади. Айрим давлатларга ўхшаб сохта обрў ортидан қувмади. Авваl асос яратди, таг заминни пухта қилди. Болалар спортини ривожлантирди. Мураббий ва спортчилар маҳоратини оширишга эътибор қаратди. Бунинг учун замонавий шарт-шароит яратди.

Шундай шароитларда шуғулланган болалар бугун вояга етди. Президентимиз аввалдан кўра билган ва ишониб кутган натижалар бўй кўрсата бошлади.

Эътибор беринг: бу йилги Олимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларимизнинг деярли барчаси мустақиллик йилларида туғилиб ўсган, қишлоқ туманларида вояга етган ёшлар.

Олимпиадада спортчиларимиз қайд этган натижалар гўёки айсбергнинг юза қисми. Унинг тагида ундан бир неча баробар катта тоғ бор. Бу – Ўзбекистон спортининг мустаҳкам пойдевори, улкан салоҳияти, захираси.

Тасаввур қилинг: Олимпия ўйинларида қатнашган спортчиларимиз ўртача 21-22 ёшда. Улар навбатдаги Олимпиадаларга тажрибали, янада маҳоратли бўлиб боради. Бундан ташқари, уларнинг ортидан қанчадан-қанча ёшлар етишиб чиқмоқда. Мамлакатимиздаги минглаб спорт мажмуаларида ўғил-қизлар спорт билан мунтазам шуғулланиб, профессионал спортга кириб келмоқда.

Улар кўзлари ёниб турган, ўз кучига ишонган, Президентимиз айтганидек, маррани баланд олган ёшлар. Энди бу авлодни тўхтатиб бўлмайди. Улар барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритиб, халқимизни хурсанд қилаверади. Халқимиз эса мухлислик ва ватанпарварлик бобида дунёда биринчи.

Анвар САМАДОВ

Реклама ўрнида



ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ НАМОЁНИ

Мамлакатимизда 20-21 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида 17 миллиондан зиёд киши иштирок этди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида қадимий анъана ва қадриятларимиз янгича маъно ва мазмун билан бойиди. “Ободлик кўнгилдан бошланади”, деган ҳикмат халқимиз орасида кенг тарқалиб, эзгу даъватга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 августдаги фармойиши билан август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги деб эълон қилингани халқимизнинг бу борада ҳамжиҳатлигини янада оширишда айни муддао бўлди.

Умумхалқ хайрия ҳашари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтди. Ҳашар кунлари мамлакатимиз бўйлаб қирқ минг гектарга яқин майдон ободонлаштирилди. Аҳоли турар жойлари, кўп қаватли бинолар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди. Дарахтлар буталиб, оқланди. Йигирма беш минг километр узунликдаги ариқ-зовурлар, лотоклар тозаланди. Махсус ажратилган транспортларда чиқиндилар белгиланган жойларга чиқариб ташланди. Ободонлаштириш ишларига ўн олти мингдан ортиқ техника жалб этилди.

Қорақалпоғистон Республикасида ушбу тадбирни ташкил этишда ҳудуднинг экологик ҳолатини янада яхшилаш, меҳр-мурувват ишлари кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

– Байрамлар олдидан теварак-атрофни тозалаш, ободонлаштириш, эҳтиёжманд кишилар ҳолидан хабар олиш, моддий-маънавий кўмак бериш халқимизга хос азалий қадриятдир, – дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими масъул котиби Мақсет Палимбетов. – Ҳашарда ҳар бир хонадон, кўча ва маҳалла ободонлаштирилди. Мустақиллик тантаналари нишонланадиган жойлар, фойдаланишга топшириладиган янги иншоотлар атрофи тартибга келтирилиб, кўча ва хиёбонлар тозаланди. Ҳамжиҳатлик, саховат ва меҳр-мурувват каби юксак фазилатлар янада яққол намоён бўладиган ҳашарда кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилиб, уй-жой шароитини яхшилашга кўмаклашилди.

Ҳашар Фарғона вилояти шаҳар ва қишлоқларида ҳам уюшқоқлик билан ўтди. Халқимизга хос саранжом-саришталик, меҳр-мурувват белгиси ҳисобланган мазкур тадбир эрта тонгдан бошланиб, унда корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчилари, маҳаллалар аҳли, ёшлар ҳамда нуронийлар фаол қатнашди.

– Бунёдкорлик, саранжом-саришталик, поклик, тозалик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу фазилатдир, – дейди Данғара туманидаги “Санам” маҳалласида яшовчи Шариф Муродов. – Ҳашар кунлари бу яққол сезилиб турди. Кўчалар, йўлаклар, болалар ўйин майдончалари тартибга келтирилди. Ёшларимиз кексалар ҳолидан хабар олиб, уй ишларида кўмак берди.

Умумхалқ хайрия ҳашарида ёшларнинг фаоллиги яққол намоён бўлди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати йигит-қизларни бу борада янада жипслаштириш мақсадида “Юртимни обод этаман!” акциясини эълон қилди. Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани Қозиработ маҳалласида ушбу лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирда икки юзга яқин ёш фаол иштирок этди. Ҳашарчи йигит-қизларнинг саъй-ҳаракати билан маҳалла ҳудудидаги дарахтлар оқланиб, буталди. Йўл ва бинолар атрофидаги қурилиш ва маиший чиқиндилар чиқариб ташланди. 1,2 километр узунликдаги лоток ва ариқлар тозаланди. Болалар майдончалари тартибга келтирилди.

Ҳашар кунлари ёшларнинг “Нуронийлар эъзозимизда” акцияси ташкил этилди. Тадбир доирасида кекса ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз кишилар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйига тўёна сифатида маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари, спорт иншоотлари, “Гўзаллик салонлари”, маҳалла гузарлари барпо этилиб, байрам арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилаётир. Умумхалқ хайрия ҳашари кунлари ана шундай иншоотлардан юзга яқинининг қурилиши якунланди. Шаҳар ва қишлоқлар кўркига кўрк қўшиб турган бу иншоотлар аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, халқимизнинг ҳаёти сифатини янада яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштиришда муҳим ўрин тутади.

Ҳашар кунлари маҳалла муҳитида шаклланган ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар кўлами янада кенгайди.

Ҳашардан тушган маблағ “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг ҳисобрақамига ўтказилади. Бу маблағ маҳаллаларни ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож тоифасига кўмак бериш, кексалар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш ҳамда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга йўналтирилади.

Ушбу хайрли тадбир минглаб эзгу ишларни, савобли амалларни бажаришга туртки бўлди. Ёшларнинг келгусида ҳам умуминсоний, миллий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган ана шундай ишларни уюшқоқлик билан амалга оширишга рағбатини янада кучайтирди.

Д.КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

Мустақиллик туфайли шукрки, бозорлар, дўкон расталари юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли, нархи нисбатан арзон ўқув қуроллари, кийим-кечакларга тўла. Айниқса, янги ўқув йили олдидан барча ҳудудларда ташкил қилинадиган мактаб бозорларида ўқув қуролларининг истаган хилидан топиш мумкин.

Мулоҳаза

ЎҚУВ ҚУРОЛИ ЎҚУВЧИНИ ЧАЛҒИТМАСИН



Аммо баъзи бир дилхираликлар ҳануз учраб турибди. Яқинда жияним билан мактаб бозоридан керакли ўқув қуролларини харид қилиб келдик. Эътиборимни дафтар муқовасидаги сурат ўзига тортди. Суратдаги белгини тушунмай сўрасам, жияним бу белги янги бир ижтимоий тармоқнинг логотип-рамзи эканини айтди.

Кундалик ҳаётимизда ёшларнинг комил инсон бўлиб вояга етишларига тўсиқ бўлаётган омилларнинг учраб туриши ота-оналар, айниқса, устоз-мураббийларни ташвишга солиши шубҳасиз. Хусусан, асосий ва зарур ўқув қуролларидан бири бўлган умумий дафтарнинг муқоваси ҳам фарзандларимизни илм олишдан чалғитмаслиги, аксинча, уларни чуқур билим эгаллашга даъват этиши лозим. Чунки, муқоваларида турли кино ва эстрада юлдузлари, серсалобат автомобиллар, жониворлар ёки нозу неъматлар сурати туширилган умумий дафтарлар дарс машғулотида бошланғич синф ўқувчисидан тортиб, олийгоҳ магистрантининг ҳам диққатини бўлиши шубҳасиз. Дафтар зарур ва кўп ишлатиладиган ўқув қуроли бўлганлиги учун ундаги билим олишдан чалғитувчи суратлар ўқувчиларга салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилган дафтарлар жаҳон стандартлари даражасида, варақлари пишиқ ва силлиқ, муқовалари маънавиятимиз дарғалари – Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Ғафур Ғулом, Зулфия каби буюк аллома ва адибларимизнинг сиймоси, шеър ва ҳикматли сўзлари, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи суратлар билан безатилган.

– Аввалларимактаб ўқувчилари учун мўлжалланган дафтарлар муқовасида ажнабий санъаткорларнинг ҳаёсиз суратлари, турли бузғунчи фильмлар лавҳалари билан тўлиб-тошганди, – дейди набирасини етаклаган Ҳанифа Назарова. – Улар оқу қоранинг моҳиятини тўлиқ идрок этмаган ғўр ёшларни чалғитишга, маънавий дунёсини барбод қилишдан бошқа нарсага ярамасди. Ҳозир ўзимизда ишлаб чиқарилаётган дафтарлар миллий қадриятларимизга мос, ёшларда эзгу қадриятларни шакллантиришга хизмат қилади. Буни кўриб қувонмай, мустақилликка шукрона қилмай бўладими.

Мактаб бозорларига мутасадди ташкилотлар томонидан текширилиб, белгиланган қатъий талабларга тўлиқ жавоб берадиган ва махсус сертификат олган маҳсулотлар сотувга чиқарилмоқда. Чунки ҳар томонлама сифатли ўқув қуроллари ўқувчининг дидини ўстириб, билим олишга бўлган рағбатини оширади.

Лекин, афсус билан шуни айтиш керакки, айрим савдо расталарида ҳалигача турли йўллар билан четдан келтирилган маҳсулотлар ҳам учраб турибди, бу эса фарзандларимизнинг нафақат фанларни ўзлаштиришига, балки тарбиясига ҳам таъсир этмай қўймайди.

Бир қарашда бу оддий, арзимас масаладек туюлиши мумкин. Лекин мана шу “арзимас” нарса эртага фарзандларимизнинг ҳаётида, онгу тафаккурида улкан акс-садо беришини унутмайлик.

Латофат АБДУАЛИМОВА

ДИЛЛАРГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАБ





(Давоми. Боши 1-бетда)

— Мамлакатимизда ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз кучи, билим ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шароитлар яратилмоқда, — дейди Яшнобод туманидаги 156-умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Дилором Шораҳимова. — Яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, шунга муносиб жавоб қайтаришга, юртимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида бор кучларини сарф этишларига тилакдошман. Мустақиллик туфайли бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила Ватанимизнинг шон-шуҳрати олам узра яна кенгроқ ёйилмоқда. Ҳуррият берган беқиёс имкониятлар негизида эртанги кунимиз – эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Республикамизнинг таниқли санъаткорлари, ёш хонандалар, болалар ансамбллари томонидан куйланган қўшиқлар барчага манзур бўлди. Байрам шодиёнаси кўтаринки руҳда ўтиб, ташриф буюрганлар қалбига қувонч бахш этди. Шаҳримизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларида меҳнат қилаётган фаол ходимлар, иқтидорли ёшлар, халқаро мусобақалар ғолиблари, ибратли оилаларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. "Касаба уюшмалари – хотин-қизларга!" акцияси доирасида кам таъминланган оилалар аъзоларига электр-маиший техника жиҳозлари топширилди. Хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар идоралари ходимлари оилалари моддий қўллаб-қувватланди. Шунингдек, энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида пойтахтдаги коллежлар ҳамда олий ўқув юртларининг талаба ва ўқувчиларига касаба уюшмалари стипендияси тантанали равишда топширилди. Шунингдек, туманлар ва бошқармалар ўртасида тадбирни энг юқори даражада ташкил этганлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан рағбатлантирилди.

Пойтахтнинг иқтисодий салоҳияти, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари, ҳаётбахш ислоҳотлар, маҳаллалар ҳаёти, ёшларнинг бахту камоли ҳақида ҳикоя қилувчи фото кўргазмалар ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

Спорт янгиликлари

ЯНГИ ФУТБОЛЧИЛАР ЙИҒИНГА ЧАҚИРИЛДИ

Футбол бўйича жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 24 август куни "Пахтакор" марказий стадионида Африка вакили — Буркина-Фасо терма жамоаси билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашишидан барча мухлисларнинг хабари бор албатта.

Кўпгина мутахассислару, мухлислар ушбу учрашувга бош мураббий Самвел Бабаян миллий терма жамоамизнинг етакчи футболчиларини ҳам чақирса керак, деб умид қилишганди. Аммо бош мураббий томонидан Ўзбекистон – Буркина-Фасо миллий терма жамоалари ўртасида ўтадиган учрашувда қатнашиши мумкин бўлган футболчилар рўйхатида Одил Аҳмедов, Виталий Денисов, Сардор Рашидов, Санжар Турсунов сингари маҳоратли футболчилар йўқ. Аксинча, Самвел Бабаян эълон қилган рўйхатдан яна маҳаллий чемпионатда тўп сураётган чарм тўп усталари ўрин эгаллаган. Дарвоқе, бу сафар терма жамоа йиғинига "Обод" жамоасининг иқтидорли аъзоси Шоҳруз Норхонов ҳамда "Металлург" клуби ҳужумчиси Зоҳид Абдуллаев чақирилган. Маълум бўлишича, ушбу ўртоқлик баҳсидан сўнг Самвел Бабаян Ўзбекистон – Сурия терма жамоалари ўртасида кечадиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичи 1-турида қатнашадиган футболчилар номини эълон қилади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Пойтахтимизда 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида мамлакат чемпионатига саралаш мусобақаси бўлиб ўтди.

ШАХМАТЧИ БОЛАЛАР БЕЛЛАШДИ

Швейцарча тизимда етти турдан иборат мусобақада олтмишга яқин ўғил-қиз ўзаро баҳслашди. Қоидага кўра, ҳар бир ёш гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган шахматчилар шу йилнинг декабрь ойида ўтадиган Ўзбекистон чемпионатининг ярим финал баҳсларида қатнашиш имкониятига эга бўлади.

2008 йилда туғилган ўғил-қизлар ўртасидаги баҳсларда олти шахматчи беш очкодан жамғарди. Қўшимча кўрсаткичлар бўйича пойтахтлик шахматчилар Шамсиддин Усмонов биринчи, Абдулла Жўраев иккинчи, Саидназар Неъматжонов учинчи ўринни эгаллади. 10 ёшгача бўлган болалар ўртасида ҳамшаҳримиз Умархон Фахриддинхўжаев етти очко билан ғолибликни қўлга киритди. Унинг жамоадоши Фозилжон Бузрукхўжаев 5,5 очко билан иккинчи, фарғоналик Нозима Дилмуродова 4,5 очко билан учинчи бўлди.

12-16 ёшли шахматчилар баҳсида ҳам совринли ўринлар пойтахтлик шахматчиларга насиб этди. Абдузафар Абдумаликов 6 очко билан биринчи, Камронбек Қорабоев 5,5 очко билан иккинчи, Бобур Бобохўжаев 5 очко билан фахрли учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

МОҲИР МЕРГАНЛАР АНИҚЛАНДИ

Хоразмда техник ва амалий спорт турлари марказининг пневматик қуролдан ўқ отиш тирида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўқ отиш бўйича ёшлар ўртасида мусобақа бўлиб ўтди.

Ўз навбатида баҳсларда 50 нафардан зиёд энг сара ёш мерган маҳоратини намойиш этди. Тўрт босқич сарҳисобига кўра, пневматик тўппончадан ўқ отиш биринчилигида Мадина Тиллаева ва Эркин Саъдуллаев юқори натижа кўрсатиб, кубок соҳибига айланди.

Пневматик милтиқдан ўқ отиш машқини бажаришда эса яна бир мерган қиз Дилноза Сапабоева ҳамда тажрибали Ислом Фаёзов биринчи ўринни эгаллашди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Мутахассис маслаҳати

ҚУВВАТБАХШ ИЧИМЛИКЛАР: ФОЙДАЛИМИ ЁКИ?

Бугун бутун дунёда қувватбахш (энергетик) ичимликлар ичиш одат тусига кирди. Тетиклантирувчи бундай ичимликлар авваллари ёшлар орасида урф бўлган бўлса, ҳозир қарийб барча ёшдаги одамларнинг қўлида уларни учратиш мумкин. Ҳатто бунга муккасидан кетган, кунига бир неча банка ичадиган одамлар ҳам кам эмас. Шу ўринда савол туғилади: уни ҳаддан ортиқ миқдорда ичишнинг фойдаси кўпми ёки зарари?

Албатта, ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларининг хавфсиз экани ҳақида гапиришлари табиий ҳол. Аслида ҳам шундайми? Буни текшириб кўриш учун ичимликнинг таркибига назар солинса, кифоя.

Айтиш керакки, икки турдаги ичимликлар мавжуд. Биринчисининг таркиби кофеиндан иборат бўлиб, у ишга кўмилган одамлар, доим кеч қолувчи талабалар учун мўлжалланган бўлса, иккинчиси углевод ва витаминларга бой ичимлик. У спорт залларига қатновчилар учун чиқарилади.

Кофеин мия фаолиятини кучайтиради ва юракнинг чидамлилигини оширади. Бироқ чарчоқ нималигини сезмаслик учун организм камида 3 та идишдаги қувватбахш ичимлик ичишни талаб қилади. Кучли стимуляторли бу турдаги ичимликларни кўп миқдорда ичиш эса, ўз навбатида, зарар саналади.

Ичимлик таркибида, шунингдек, гуаран ҳам мавжуд бўлиб, кучли жисмоний зўриқиш чоғида оғриқларни камайтиради, жигарни тозалайди, атеросклерознинг олдини олади. Қолаверса, бу турдаги ичимликларда женьшень мавжуд ва у чарчоқ ва тушкунликни камайтиради, бутун организмнинг ишлашга бўлган иштиёқини оширади.

Гипертоник ва гипотоник касалига чалинганларга қувватбахш ичимлик ичиши тавсия қилинмайди.

Кофеин, яъни қувватбахш модда асаб тизимининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Глюкоза ва кофеин аралашмасининг, айниқса, ёш организм учун зарари кўпроқ.

Шундай турдаги ичимликларнинг доимий равишда ичилиши юрак уришининг меъёрини бузади.

Спортчилар ҳам машғулотлардан сўнг қувватбахш ичимликларни ичмаганлари маъқул. Улар организмдаги суюқликни чиқариб юборади.

Кўпинча қувватбахш ичимликлар инсон организмига қувват беради, дейишади. Аслида эса у организмнинг ички қуввати манбасини очиб юборади. Тана ичимликнинг эмас, балки ўзининг энергия захирасидан фойдаланади.

Шуни унутмаслик керакки, бугунги кучли ишчанлик иштиёқи организмга эртанги уйқусизлик, чарчоқ ва депрессияни чақириши мумкин. Шундай экан, қувватбахш ичимликларга кўп ҳам ружу қўйманг. Ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бор. Халқимиз бу борада топиб айтган: "Асалнинг ҳам ози ширин".

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОФАЗАДА

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш бўйича узоқ муддатли миллий стратегия лойиҳасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Европа Иттифоқи ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим" лойиҳаси доирасидаги ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, марказлар, олий таълим масканларининг вакиллари, педагоглар, ҳуқуқшунослар, экспертлар иштирок этди.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори В.Алимова, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Д.Кенжаев, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари Х.Зикриллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар кучли ижтимоий ҳимоя тамойилига таяниши, ҳар бир фарзанднинг таълим олиши, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаши, қизиқиши ва лаёқатига мос касб-ҳунар эгаллашига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Таълим, бола ҳуқуқларининг кафолатларига оид миллий қонунчилик миллати, ижтимоий, тиббий ҳолатидан қатъий назар, барча болаларнинг тўлақонли таълим олиши учун тенг ҳуқуқий замин яратмоқда. Физиологик имконияти турлича бўлган болаларнинг умумтаълим мактабида биргаликда таҳсил олишини назарда тутувчи инклюзив таълим алоҳида эҳтиёжли ўғил-қизларнинг жамиятга фаол интеграциялашувида, уларда ўзига бўлган ишонч, ирода ва қатъиятни мустаҳкамлашда, ёш авлодда бағрикенглик, меҳр-мурувват туйғуларини янада кучайтиришда катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда инклюзив таълимга оид бир қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Ўзбекистон ҳамда Европа Иттифоқи ҳамкорлигидаги "Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим" лойиҳаси 2014 йилдан бошланган. 2016 йилнинг сентябрь ойига қадар мўлжалланган мазкур лойиҳа доирасида 15 мактаб ва 15 мактабгача таълим муассасасига алоҳида эҳтиёжли болалар кенг жалб этилди. Педагог ходимлар, тиббий-педагогика ва психологик комиссияларда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг масъулияти, касб малакаси оширилди. Юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият бошлаган ресурс марказлари алоҳида эҳтиёжли болалар, уларнинг ота-оналарига, оилалар, инклюзив таълимга дахлдор мутахассисларга зарур маслаҳатлар бермоқда.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг изчил, тизимли, ўзаро мувофиқлаштирилган тарзда, ижтимоий шериклик асосида олиб борилиши тиббий имконияти ҳар хил бўлган болаларни умумий таълимга кенгроқ жалб этиш, ўқувчилар, педагоглар, маҳалла, кенг жамоатчиликнинг ижтимоий инклюзияга оид хабардорлигини янада оширишнинг муҳим омилидир.

– Ўзбекистондаги инклюзив таълим бу соҳадаги халқаро андозаларни ўзида тўлиқ уйғунлаштиргани билан бирга, барча учун тенг, очиқ ва бир хил шароитларнинг яратилгани, инсонпарварлиги билан диққатга сазовор, – дейди "Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим" лойиҳаси раҳбари Стефания Алишаускиене. – Бу йўналишда узоқ муддатли миллий стратегиянинг қабул қилиниши қонунчилик, инклюзив таълим амалиётини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Давра суҳбатида муҳокама этилган масалалар бўйича фикр алмашилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

24 август *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***24 августда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво мутхитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 855
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 17.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

КОРХОНАДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришганига 25 йил тўлмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистонимиз мисли кўрилмаган даражада юксалди. Истиқлол шарофати билан Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳаларда улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча гўшаларида байрамни муносиб кутиб олиш учун қизғин тараддуд кўрилмоқда. Фан ва маданият арбоблари, шоир ва ёзувчилар, эл севган санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳлари жойларда мустақилликнинг мазмун-моҳияти тўғрисида қизиқарли суҳбатлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келишмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири "Тошкент иссиқлик маркази" акциядорлик жамиятида ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

– Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва кенг нишонлаш учун корхонамизда ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда, – дейди "Тошкент иссиқлик маркази" акциядорлик жамиятининг касаба уюшма қўмитаси раиси Фазлитдин Фахритдинов. – Хусусан, 50 кунлик ободонлаштириш кунлари ўтказилди. Чор-атроф янада озода, файзли ҳолатга келтирилаётир. Мустақиллик ҳаётимиз маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, топталган қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар берганини ёш авлод онги ва қалбига етказиш бугуннинг долзарб вазифасидир. Мазкур тадбир ҳам шу мақсадда ташкил этилди.

Тадбирда Мирзо Улуғбек туман Маънавият тарғибот бўлими раҳбари М.Эронов, Муқимий номидаги мусиқали драма театри актёри М.Салимов иштирок этиб, истиқлолимизнинг 25 йиллиги билан барчани қутлашди. "Меридиан" вокаль чолғу ансамбли томонидан Ватан, мустақиллик, ватанпарварлик ҳақидаги куй ва қўшиқлари билан тадбир иштирокчиларига шодлик ва қувонч улашди.

Камола САЛИЕВА,
Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаси

Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Озод юрт тўлқинлари" IX медиа-фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган мазкур лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.



ТАБАРРУК ДИЁРИМИЗ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди мақлаларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, мазкур йўналиш ривожи учун зарур барча шароитларни яратиш, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда яратилган мустаҳкам қонунчилик базаси барча турдаги оммавий ахборот воситаларининг эркин ва самарали фаолият кўрсатишида муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, қўлга киритилган улкан ютуқ ва марраларнинг аҳамияти, бугунги тинч ва осойишта, бахтиёр ҳаётимизнинг қадр-қимматини халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказишда нодавлат телерадио каналлар, босма ва интернет нашрларнинг аҳамияти ўзига хосдир.

Президентимизнинг 2016 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ҳам истиқлолимизни, жонажон Ватанимизда эришилган асрларга татигулик ютуқларни таранnум этишга оид кўплаб ижодий лойиҳалар ўтказилмоқда.

"Озод юрт тўлқинлари" медиа фестивали ҳаётий ва таъсирчан мисоллар орқали одамлар қалбига етиб борувчи материаллар тайёрлаётган теле, радио ижодкорларни рағбатлантириш, уларни янги марралар сари руҳлантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу йилги фестиваль материалларида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган шиор мазмунининг очиб берилиши, юртимизда кечаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик жараёнларининг аҳамияти, осойишта кунлар шукронасини одамлар қалби ва онгига теран етказилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Фестивалда жамоат телерадиостанциялари жамоалари ўз ижодий ишлари билан фаол қатнашди. Ижодий лойиҳага тақдим этилган ишлар "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган энг яхши телерадиомаҳсулот", "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини ёритишга қаратилган энг яхши медиа-лойиҳа", "Энг намунали телестанция", "Энг намунали радиостанция" каби номинациялар бўйича аниқланди.

– Бугун ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётини, тақдирини, фарзандлари камоли ва истиқболини мустақил Ватанимиз билан уйғун кўради, – дейди "Nukus FM" радиостудияси директори Бахтбек Элмонов. – Биз ўз радиолавҳаларимизда Ватанимизнинг кун сайин ўзгариб, гўзаллашиб бораётган қиёфаси, одамлар онгида, ҳаётида кечаётган ижобий ўзгаришлар, ёшларга кўрсатилаётган чексиз меҳр, кексаларга бўлган иззат-икромни ёркин, оддий мисоллар ёрдамида очиб беришга интилмоқдамиз.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан онлайн овоз бериш йўли билан турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга фестиваль статуэткаси, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Мустақиллик менинг тақдиримда

ҒУРУР ВА ИФТИХОР АЙЁМИ

Истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар ҳар бир юртдошимизга ўз салоҳиятини ишга солиш, шу орқали оиласининг фаровонлигини таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшиш учун кенг йўл очиб берди.

Мустақиллик йилларида ёшу кексани бирдек қувонтирадиган соғлиқни сақлаш тизимида катта ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, замонавий ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари, тиббиёт муассасалари, хусусий клиникаларнинг барчаси инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш учун хизмат қилаётир.

Фахр билан айтамизки, биз шифокорлар зиммасига одамлар дардига малҳам, руҳига қувват ва уларнинг умрини узайтиришдек улкан вазифа юклатилган. Шунинг учун мен ҳам касбимни такомиллаштириш, юртимизда "ишлайман" деганга берилган имкониятлардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорликка қўл урдим. Яъни,1993-2001 йилгача хусусий тадбиркорликни ривожлантириб, Туркия ва россиялик фармацевтлар билан ҳамкорликда "Shifo-Nur-Servis" фирмасини ишга туширдим. Шу кунга қадар 20 та йўналиш бўйича тиббиёт муассасалари фаолиятини йўлга қўйдим. Фирма қошида "Guncha MED" даволаш диагностика клиникасини очишга муваффақ бўлдим. Асл касбим шифокор бўлса-да, бугунги кунда "Тадбиркор аёл" уюшмаси аъзоси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси ҳамда шу партиянинг Олмазор туман кенгаши раиси, шу билан бирга Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатиман. Буларни кўксим фахрга тўлиб айтишимдан мақсад мустақиллик менга ўзимни намоён этишим, инсонларга ёрдам қўлини чўзишим, халқ хотиржамлиги ва саломатлиги йўлида ўз фаолиятимни юритишимга ёрдам берди, имкон яратди. Мана шу яратилган имконият ва шарт-шароитларнинг бари хафақон, стенокардия, юрак аритмиялари, қон айланиши етишмовчилиги, ревматизм, миокард инфаркти каби оғир касалликларни бошидан ўтказган инсонларнинг соғлиғини қайта тиклаш йўлида янада кўпроқ изланиш ва интилишга ҳамда яхши натижаларга эришишда муҳим омил бўлди. Булар мен раҳбарлик қилаётган клиниканинг эришган ютуқларининг бир қисми, холос. Ҳар гал шифохонамизга умид билан мурожаат этиб, сўнг соғлиги тикланганидан боши кўкка етиб миннатдорчилик билдирган юртдошларимни кўрганда юрагимда касбимдан фахру ғурур уйғонади. Тўғри-да, ахир шифокорга бундан ортиқ бахт борми!

Бугунги кунда ўзбек аёлининг давлат ва жамият ҳаётидаги жўшқин фаолиятига, меҳнатсеварлиги, оилапарварлиги, меҳр-муҳаббати, ғайрат-шижоати, матонати ҳамда тадбиркорлигию ишбилармонлигига ҳар қанча таърифу тавсиф оз. Шукрки, юртимизда аёлларга яратилган шароитлардан унумли фойдаланганларнинг бари ана шундай халқ хизмати йўлида хотиржамлик ва саодатга эришганлар.

Инсон яхши ният қилиб эзгу мақсадлар сари қадам ташлар экан, эртами кечми ўйлаганлари албатта, ижобат бўлар экан. Аммо менинг мақсадим фақат сиҳатида ўзгаришлар бўлган инсонларга эмас, балки уларга ёрдам берувчи шифокорларни ҳам қўллаб-қувватлашдан иборат. Айнан шунинг учун ҳам фирма томонидан янги хусусий клиника очаётган шифокор-тадбиркорларга имтиёзли кредит асосида Япония, Хитой, Германия, Словакия, Бразилия каби мамлакатлардан замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари олиб келишда ва уларни ўрнатишда амалий ёрдам бериб келинмоқда.

Инсоннинг ўзи туғилиб ўсган юрти, ёрдўстлари ва яқинлари билан боғловчи Ватанни севиши, ардоқлаши иймон ифодасидир. Шундай экан, Ватанга муҳаббат қўйиш, унинг равнақи йўлида куч-ғайрат сарфлаб меҳнат қилиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Мустақиллик йилларида Ватан равнақи йўлида ҳалол хизмат қилиш халқимизнинг, бинобарин, ҳар биримизнинг порлоқ келажагимизни яратиш эканлигини чуқур англаб етдик. Зеро, ота-боболаримиздан мерос қолган бу табаррук заминни севиш, ардоқлаш, халқнинг урф-одатлари, қадриятларини сақлаш, эл-юрт равнақи учун чин дилдан меҳнат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас ва олий бурчимизга айланди.

Раъно ХОДЖИМУҲАМЕДОВА,
"Guncha MED" хусусий клиникаси раҳбари

Мамлакатимиз бўйлаб энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги тантаналарига кенг тайёргарлик кўрилмоқда.

ТИНЧ, ОСУДА ВА ГЎЗАЛ ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида мустақиллик байрамини юксак даражада ўтказишга оид вазифалар белгилаб берилган. Қарор ижросини таъминлаш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан жойларда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

ЎзА мухбири шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Турсунпўлат ТОШПЎЛАТОВ билан суҳбатлашди.

– Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий давлатчилик қарор топиб, Ўзбекистон жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллади, – дейди Т.Тошпўлатов. – Миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда "ўзбек модели" деб тан олинган тараққиёт стратегияси амалга оширилди. Бунинг амалий исботини мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганида яққол кўриш мумкин.

Буларнинг замирида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик мужассам. Зеро, тинчлик – халқимиз осойишта ва фаровон ҳаётининг, барча орзу-умидлари ижобатининг энг муҳим омили. Уни асраш йўлида ҳар бир юртдошимиз ёшидан, касбу коридан, миллатидан қатъи назар, якдил ва ҳамжиҳат. Ахир осудалик бор экан, биз эртанги кунга ёруғ умидлар билан қараймиз, юксак марраларни кўзлаб меҳнат қиламиз. Тинч эканмиз, ҳар бир кунимиз мазмунли кечади, тўйлар тўйларга уланади, халқимиз учун ардоқли, улуғ саналарни кенг байрам қиламиз.

Давлатимиз раҳбарининг қарорида ҳам энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш, миллатлар ва фуқароларо дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, тинчлик учун қурашиб яшаш зарурлигига алоҳида урғу берилган. Дарҳақиқат, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш бугунги таҳликали замонда, ён-атрофимизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда муҳим аҳамиятга эга.

– Байрам тинч ва осойишта, юксак савияда ўтиши учун жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

– Президентимизнинг қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, вазирлик тизимида тасдиқланган режа асосида изчил ишлар бажарилмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрамимизга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар вазирлигимиз ҳайъати йиғилишида кўриб чиқилди ва бу борадаги асосий вазифалар белгилаб олинди. Бунда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Тадбирларни самарали ташкил этиш мақсадида вазирликнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ёнғин, йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармалари, хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, "Кўриқлаш" бирлашмаси ва бошқа хизматларнинг ходимлари томонидан тегишли ташкилий профилактик ишлар бажарилмоқда.

Бундай тадбирлар нафақат пойтахтимиз, балки Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, Транспортдаги ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларида ҳам йўлга қўйилган.

Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшаси, айниқса, байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар соҳа ходимларининг алоҳида эътиборида. Хавфсизликни таъминлаш юзасидан махсус рейдлар ўтказилаётир. Бу жараёнда маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари фаол иштирок этмоқда. Тадбирлар давомида аниқланаётган камчиликлар, ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бартараф этилаётир.

Байрам олдидан барча туман, шаҳар, маҳалла ва овулларда ички ишлар органлари ходимлари ва "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси вакилларидан иборат гуруҳлар ташкил этилди. Улар аҳоли тинчлигини сақлашга оид зарур чораларни кўриш билан бирга жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ва уларга жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда профилактик таъсир кўрсатишга оид вазифаларни самарали адо этмоқда.

– Тартиб-интизом, ободлик, саришталик – байрам шукуҳига шукуҳ қўшади. Жамоат тартибини сақлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида мухтасар гапириб берсангиз.

– Амалга ошираётган ишларимизнинг самарадорлиги аҳолининг ҳуқуқий маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Шуни эътиборга олиб барча хизматлар ходимлари маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида учрашувлар ўтказиб, тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бормоқда. "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган бош ғояни мужассам этган тарғибот-ташвиқот тадбирлари изчил давом эттирилмоқда. Бу жараёнда нафақат осойишталик қадри, балки аҳолини огоҳликка чорловчи, ҳар бир инсон ўз уйини, маҳалласини асрашга масъул эканига эътибор қаратилаётир.

Осойишталикни таъминлаш борасида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга оид фаолияти янада кучайтирилди. Ушбу соҳавий хизмат нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш каби вазифаларни изчиллик билан давом эттирмоқда. Улар маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда фуқароларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш, вояга етмаганлар, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка, спортга кенг жалб этиш ишларини изчил йўлга қўйган.

Мамлакатимизда мавжуд 3 минг 788 милиция таянч пунктининг деярли барчасида фан ва спорт тўгараклари, кичик бизнес шохобчалари, замонавий спорт майдончалари фаолият кўрсатмоқда. Маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари бир бинода, ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бораётгани жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ижобий самара бермоқда. Бу маҳаллалар муҳитининг тобора соғломлашишига ижобий таъсир кўрсатаётир. 2016 йилнинг ўтган даврида уч мингдан зиёд маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бунинг яққол тасдиғидир.

Патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати томонидан аҳоли гавжум жойларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шубҳали шахслар аниқланганда уларга нисбатан тегишли чора кўриш, жамоат тартибини бузиш ҳолатлари учраганда уни дарҳол бартараф этиш чоралари янада кучайтирилган. Байрамолди чора-тадбирлари давомида сакқиз мингга яқин ҳуқуқбузарлик аниқланиб, жойида бартараф этилди. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг санитария ҳолати, кўчаларнинг ёритилиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам соҳа ходимларининг эътиборидан четда қолгани йўқ. Бу борада учраган камчиликлар юзасидан ободонлаштириш ва электр тармоқлари корхоналарига олти юзга яқин тақдимнома киритилди. Натижада камчиликлар бартараф этилиб, аҳолига қулайликлар яратилди.

– Ёнғинларнинг олдини олиш, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ишлари қандай йўлга қўйилган?

– Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳам осойишталикнинг муҳим омилларидан. Шу боис аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлиги тадбирлари янада кучайтирилди. Ёнғин хавфсизлиги қисмлари учун замонавий шарт-шароитлар яратилган. Кейинги пайтда тизимда 26 янги бино қурилди, 29 ёнғин хавфсизлиги қисми бинолари реконструкция ишлари бажарилди. Йил якунигача жами 12 ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари учун бинолар қуриб топширилиши режалаштирилган.

Тегишли идоралар билан ҳамкорликда байрам тадбирлари ўтказиладиган барча майдонлар ва уларнинг атрофидаги иншоот ва ташкилотлар, хонадонлар кўрикдан ўтказилди. Бундан ташқари, 25 мингга яқин аҳоли турар жойи, мингга яқин кўп қаватли уйнинг ёнғинга қарши ҳолати текширилди. Олиб борилаётган профилактик ишлар натижасида ёнғин хавфсизлиги талабларини бузган 1,5 мингдан зиёд фуқаро ва масъул шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Сўнгги беш йил мобайнида содир бўлган ёнғинларнинг деярли 80 фоизи бошланғич даврида бартараф этилишига ва бунинг натижасида 890 нафар инсон ҳаёти ва 373 миллиард сўмликдан зиёд мол-мулкни ёнғиндан қутқариб қолишга эришилди.

Йўллар равон, хавфсиз бўлса, манзилга осон ва омон етиб оламиз. Истиқлолимизнинг чорак асрлик айёми арафасида пойтахтимиз, барча вилоятларда йўллар ободлигига эътибор янада кучайди. Йўллар кенгайтирилиб, замон талаблари асосида қайта бунёд этилиб, уларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш чоралари таъминланаётир. Чунончи, автомобиллар ҳаракатининг қарама-қарши йўналишларини ажратувчи тўсиқлар, алоҳида пиёдалар йўлаклари барпо этилгани жуда катта қулайликлар яратди. Бундан ташқари, марказлашган кўчаларда автомобиллар ҳаракатини кузатиш ва тартибга солишга қаратилган видеокузатув мосламалари фаолияти йўлга қўйилгани йўл ҳаракати қоидалари бузилиши ҳолатларининг кескин камайишини таъминламоқда. Соҳа ходимлари барча кўчаларда, хусусан, байрам тадбирлари ўтказиладиган майдонлар атрофидаги йўлларда хавфсизлик чораларини кучайтирган. Улардаги йўл белгилари кўздан кечирилиб, камчиликлар бартараф этилмоқда.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, байрам муносабати билан пойтахтимизда хавфсизликни янада кучайтириш мақсадида транспорт воситалари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жиддий текширувдан ўтказилмоқда. Байрам арафасида ва байрам кунлари пойтахтга кириб келаётган транспорт воситалари қатнови бироз чекланиши ҳам мумкин.

– Ички ишлар тизимида хизмат фаолияти самараси, бунда истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар қандай ўрин тутгани ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Президентимизнинг ички ишлар идоралари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган фармонлари соҳанинг бугунги кун талабларига жавоб берадиган даражада шаклланишига пухта замин яратди. Соҳани нафақат замонавий моддий-техник воситалар, балки ҳар томонлама чиниққан, фидойи кадрлар билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилгани муваффақиятлар асоси бўлди, дейиш мумкин.

Тизимдаги ислоҳотлар ва катта ҳажмдаги амалий ишлар натижасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар йил сайин камаймоқда. Ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2016 йилнинг биринчи ярмида жиноятларнинг унча оғир бўлмаган турлари 4,2 фоиз, ўта оғир жиноятлар 13,5 фоиз, жамоат жойларида содир этилган жиноятлар 1,3 фоизга камайишига эришилди.

Энг муҳими, ички ишлар идоралари томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудида аҳоли тинчлиги ва хавфсизлиги таъминланмоқда.

Ўзбекистонимиздаги тинчлик, осойишталик ва фаровонлик нафақат дунёдаги бошқа халқларнинг ҳавасини келтирмоқда, балки бу халқаро экспертлар эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда. World Justice Project томонидан ҳар йили эълон қилинаётган Қонун устуворлиги индексида Ўзбекистон мамлакатда тартиб ва хавфсизликнинг таъминлангани кўрсаткичи бўйича МДҲ давлатлари орасида етакчилик қилиб келаётгани бунинг исботидир.

Фуқароларнинг тинч ва хотиржам турмуш кечираётгани, тинчликсеварлигини таҳлил қилувчи Global Peace Index рўйхатида Ўзбекистон йилдан йилга юқори поғонани забт этмоқда. Мамлакатимиз бу борада ҳам МДҲда етакчилардан бири.

Бундай ютуқларнинг янада кўпайиши ҳар биримизнинг ҳушёрлигимиз ва огоҳлигимиз, фаоллигимиз ва ҳамжиҳатлигимизга боғлиқ эканини барчамиз доимо ёдда тутмоғимиз зарур. Бу нафақат байрамлар шукуҳини, балки кундалик ҳаётимизнинг файзу баракасини ҳам оширади. Зеро, тинч, осуда, фаровон ва гўзал юртга байрамлар яраша ди.

Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди

Реклама ўрнида



“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ “MARKAZIY KLINIK KASALXONA” ЖАМОАСИ

юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами билан муборакбод этади.
Юртимизга бунёдкорлик, саховатпешалик, байрамона хуш кайфият ва меҳру оқибат мангу ҳамроҳ бўлсин.

Она Ватанимиз равнақи ва ёркин истиқболи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган Сиз азизларни Истиқлол кувончлари асло тарк этмасин.

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Сизларни яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги байрами билан муборакбод этамиз.
Доимо элимиз осойишта, аҳолимиз фаровон, юртдошларимиз бирдамлик ва тотувликда ҳаёт кечирсинлар.
Истиқлолимиз абадий бўлсин!

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР UMAROV TOYIR SADIQOVICH



Азиз ҳамшаҳарлар, қадрли юртдошлар!

“ISTAL” илмий-ишлаб чиқариш корхонаси” масъулияти чекланган жамияти жамоаси барчангизни Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами билан табриклайди. Истиқлол билан тенгдош корхона фаолияти давомида юртимиз равнақи йўлида хизмат қилиб келаётганлигидан мамнуният ила барчага соғлик, оилавий тотувлик, ишларига ривож тилайди. Ўзбекистонимиз осмони мусаффо, келажагимиз ёрқин ва порлоқ бўлсин!

“ISTAL” – фаровон ҳаёт учун сиз истаган ҳарорат билан!



“FAYZ BARAKALI SHASHLIK” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ҳамшаҳарларимизни Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами билан муборакбод этади.


Ҳаётимизнинг фаровонлиги, турмушимизнинг ободлигига кўз тегмасин. Барчангизнинг орзу-истакларингиз рўёбга чиқиб, режаларингиз амалга ошишига тилакдошмиз!



Реклама ўрнида

YATT MUXAMEDOV BOTIR XABIBULLAEVICH
ЖАМОАСИ

яратувчанлик завқи билан
яшаётган юртдошларимизни
Истиқлолнинг 25 йиллиги
билан табриклайди.
Она Ватан тинчлиги,
кўнгил ободлиги ва оиламиз
бахтиёрлиги ҳамиша
барқарор бўлсин.
Қилаётган меҳнатимиз,
эзгу саъй-ҳаракатларимиз
мамлакатимизга янада
равнақ бахш этсин!



ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

қадрли ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз
меҳмонларини обод диёримизнинг қутлуғ
тўйи – Мустақиллигимизнинг
25 йиллиги билан муборакбод этади.
Хонадонларимиздан тинчлик-хотиржамлик,
бахт-саодат, файзу барака аримасин.
Байрамона кўтаринки
кайфият ҳамиша бардавом,
толеимиз баланд, ризқу
насибамиз зиёда бўлсин.
Мустақиллигимизга кўз тегмасин!



"ТО`ҲТЕРА TEKSTIL"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни
Истиқлолнинг
йигирма беш йиллиги
билан чин дилдан қутлайди.
Энг улуғ ва энг азиз
байрамимиз барчамизга
тинчлик, тўкинлик
ва фаровонлик олиб келсин.



АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизларни мамлакатимиз Истиқлолининг 25 йиллиги байрами билан қизғин қутлаймиз. Шу ўтган қисқа муддат давомида эришган асрларга татигулик улкан ютуқларимиз бардавом бўлсин. Ҳар бир хонадонни қут-барака, файз-тароват тарк этмасин.

"ҲУВАЙДО МЕБЕЛЬ" МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Реклама ўрнида





РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МАГИСТРАЛ ГАЗ ҚУВУРЛАРИНИНГ МУҲОФАЗА ЗОНАСИДА ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси Тошкент Магистрал газ қувурлари бошқармаси огоҳлантиради

Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳудудида шаҳарлар, аҳоли ва саноат корхоналарини табиий газ билан таъминловчи юқори босимли магистрал газ қувурлари ўтганлигини эслатиб ўтади.

Магистрал газ қувурларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш ва қувурларнинг шикастланишига (*қувурларнинг қандай ўтказилишидан қатъий назар*) йўл қўймаслик учун "Магистрал қувурларни ҳимоя қоидаси"га ва Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 69-моддасига асосан **муҳофаза зонаси** ўрнатилган. Бунда:

- қувур трассаси бўйлаб қурилиш ишлари учун хавфсизлик ер участкаси кўринишида, қувурлар диаметрига мос ҳолда қувур ўқининг ҳар икки томонига **100 метрдан 350 метргача** масофада шартли чизиқлар билан чегараланган бўлади;
- қишлоқ хўжалиги ишларини олиб бориш учун тааллуқли ерларда ҳимоя майдони қувур ўқининг ҳар икки томонига **25 метр** масофада ўтадиган бўлиб, шартли чизиқлар билан чегараланади;
- компрессор ва газ тақсимлаш станция иншоотлари чегараларида ҳар томонга **100 метр** масофада шартли чизиқлар билан чегараланган ер участкаси кўринишида бўлади.

Қувурларнинг муҳофаза зонасига кирувчи ер участкалари ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилмайди ва улардан "Магистрал газ қувурларини муҳофаза килиш" қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ёки бошқа турдаги ишлар олиб бориш учун фойдаланилади.

Қувурларнинг муҳофаза зонасида қишлоқ хўжалиги ишлари, экиш ва йиғиш кампанияси бошланиши олдидан, Тошкент МГҚБга олдиндан маълум қилган ҳолда олиб борилиши лозим.

Қувурларнинг муҳофаза зонасида қувурлардан бир меъёрда фойдаланишга халақит берувчи ёки уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишлар ТАҚИҚЛАНАДИ, жумладан:

- ҳар қандай қурилиш ишларини олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- ҳар хил турдаги дарахт ва бута ўсимликларини экиш, ем-хашак, озуқа, ўғит ва материалларни тўплаш, пичан ғамлаш, от боғлайдиган қозиқларни жойлаштириш, чорвани сақлаш, балиқ етиштириш учун участкаларни ажратиш, балиқ ҳамда бошқа сувда ўсувчи ва юрувчи ҳайвонларни етиштириш, жониворлар сув ичадиган сувлоқларни қуриш, музни ёриш ва тайёрлаш ишларини амалга ошириш;
- қувур трассаси устидан ўтиш ва кесиб ўтиш иншоотларини қуриш, трактор ва механизмлар учун жойларни қуриш, жамоа боғлари ва полизларни жойлаштириш;
- турли хил қурилиш, монтаж, портлатиш ва тоғ ишларини амалга ошириш, тупроқни (грунтни) режалаштириш;
- ернинг мелиорацияси ишларини амалга ошириш, суғориш ва қуритиш тармоқларини қуриш.
- НУК ва назорат ўлчов пунктлари, сигнал берувчи ва огоҳлантирувчи белгиларни бузиш, жойларни ўзгартириш;
- катод ҳимояси станцияси, алоқа воситалари, қувур энергия таъминоти ва телемеханикасини ёқиш ва ўчириш;
- турли хил ахлат тўпламларини пайдо қилиш, ишқорлар, тузлар ва кислота эритмаларини тўкиш;
- қувурларни бузилишлардан сақлаш ҳамда ён-атрофни ва яқин жойлашган ҳудудни, транспортировка қилинадиган маҳсулотни авария натижасида тўкилишдан сақловчи, ер остки ва сувни ўтказувчи иншоотларни, қирғоқларни мустаҳкам тутувчи қурилмаларни бузиш;
- олов ёқиш ёки шунга ўхшаш очиқ ёки ёпиқ олов манбаларни уюштириш.

Ўз хавфсизлигингизга огоҳ бўлинг!

Магистрал қувурларнинг ҳимоя қоидаларининг бузилишига айбдор бўлган мансабдор шахслар ва фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг "Магистрал қувурлар ҳимояси қоидаларини бузиш" ҳақидаги 150-моддасига асосан жавобгарликка тортиладилар.

Магистрал газ қувурларидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар манзиллари:

- **"Ўзтрансгаз" АК, 100031, Тошкент ш. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-а уй.**
- **Тошкент МГКБ, 100160, Тошкент ш. Сергели тумани, С.Олим кўчаси, 22-уй.**